
Юксак эътироф муборак бўлсин!

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнатилган кўрсатилган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида”ги [Фармони](#) эълон қилинди.

Фармонга мувофиқ мамлакатимизда таълим тизимини халқаро стандартлар асосида ривожлантириш, соҳага доир ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш, жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамол авлодни шакллантиришдаги ибратли фаолияти ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун бир гуруҳ соҳа фидойилари юксак эътирофлар билан мукофотланди.

Қувонарлиси, ана шундай эътирофга сазовор бўлганлар орасида **Ўзбекистон туманидаги 13-мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиси Юлдашева Хакима Бафоходжаевна** ҳам бор бўлиб, шарафли касб эгаси **II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан тақдирланди.**

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги жонкуяр тарбиячи Хакимахон Юлдашевани юксак эътироф билан самимий қутлаб, ёш авлодни муносиб тарбиялаш борасида келгусидаги фаолиятида ҳам улкан зафарлар тилайди.

2021-09-29 22:06:43